



Абдулла Тўқай (олдинги 1 Май) ва Хоразм қўчалари оралигида яна бир ноёб иншоот қад ростила. Меҳмонхонага мўлжалланган бу бино қурилиши асосан Ҳиндистоннинг «Тата Продактс Лимитед» фирмаси қурувчилари томонидан олиб борилади. Бинонинг ташқи ва ички томонига бир назар ташлаган кишига тўғ бў ерда қурилиш ишлари низоҳатга етгандай туюлади. Лекин унинг бунёдкорлик ишлари билан чуқур танишсангиз, шу кечакундузда ҳам бу ерда қурувчилар ва турли соҳа мутахассислари қизғин иш олиб бораётганлигининг тўғи бўласиз. Умуман олганда ҳоҳиш қилинса, иншоотда 80 фомз қурилиш-тиклаш юмушлари тугалланган. Демак, орадан қисқа муддат ўтиб, шаҳримизда яна бир йирик бино бойдаланишга топшириладики, шубҳасиз у Тошкентнинг энг кўрак меҳмонхоналаридан бирига айланади. Ана ўшада бу ерга қадам равишда қилган ҳар бир чет эллик меҳмон қурувчилар меҳнатидан мамнун бўлишлари ишонч бор. Ҳозирча эса биз ушбу иншоотнинг қурилиши ва тикланиши юзасидан сўз юритмоқчимиз.

Меҳмонхона Ҳиндистонлик қурувчилар меҳнати билан қад қўраётган бўлса ҳам унинг лойиҳаси ижодкорлари «ТашЭНИИЭП» мутахассислари ҳисобланишади. Бу ҳақда қурилиш бошлиғи жаноб Қришнасвали шундай дейди:

— Ўзбекистонлик ҳаммасларимиз бизни яккалаб қўйишмади. Оғир ушталардаги қурилишлар улар билан ҳамкорликда олиб борилади. Айниқса Тошкент зонал институт лойиҳачилари билан мустаҳкам алоқа боғладик. Бугунги дамда уларнинг ёрдами билан аниқдан ҳис этиб туридик. Мана шу дўстона ҳамкорлик асосида сиз кўриб турган ҳозирги меҳмонхона майдонга келди.

Биз лойиҳа ижодкорларидан бири Рафазил Тўхтагановни ҳам шу ерда учратиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

* Ноёб иншоотлар қурилишида

«БЕШ ЮЛДУЗ» ПОРЛАЙДИ

— Бу ноёб меҳмонхона лойиҳасини яратиш албатта бизга осонга тушмади, — дейди у саволимизга жаноб бера туриб. — Бунинг учун бир неча бор Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрига бориб келдик. У ердаги «Томаха» типига қурилган меҳмонхоналар лойиҳаси билан аниқдан танишидик. Бу иншоотлардаги ҳар бир янгилик ёки майда деталларга эътиборимиздан четда қолмади. Хуллас, барча шарт-шароитларни муассасалар ўрганганимиздан кейингина ушбу меҳмонхона биноси лойиҳасини яратишга киришидик. Ҳозирда машаққатли меҳнатимизнинг иккинчи натижаси кўриниб қолган бўлганига қарамай, ишмишга баҳони меҳмонхона меҳмонлари берганлари маъқул.

Агар бинига ташқи томондан назар ташласангиз биринчи набағда унинг қаватлари яна шаклида ишланганлигини ҳис этасиз. Бу аниқлар юқоридан паства тушган сари кеиниб боради. Шаҳримизда ҳали бунақа усулда қурилган бинони уратмаганмиз.

600 кишига мўлжалланган меҳмонхонанинг ички хоналари кўндал кечирдик. Уларнинг баъзиларида пардозлаш ишлари олиб боришмоқда. Сайқалдан чиққан хоналар эса зудлик билан жиҳозланмоқда. Уларнинг кўриниши беихтиёр киши диққатини ўзига тортади.

Меҳмонхона «Ўзбекистон» миллий компанияси биноси билан ёқин йўл орқали туташтирилган бўлиб, унинг қаватларидан истиқомат хоналаридан ташқари, ўйлаб машина хизмат, маданий-маъмурий ҳамда емакхона, спорт ва тиббий хизмат кўрсатадиган йирик мажмуалар ўрин олган. Марказий йўлларга орқали дам олиш хоналарига, шунингдек, ресторанга боришингиз мумкин. Йўл-йўлак турли хизмат буюмлари, дўконлар, газетга сотиш бурчаклари, барлар кўчага ташланади. Ўша йўл бўйлаб яна бироз юрсангиз сув ҳавзаси, сауна, банан-тарбия зали, электр усули билан уқалаш хонасига дуч келасиз.

«Умумий овқатланиш» мажмуаси ҳам ўзига хослиги билан диққатни тортади. «Бомбей» ресторани, иккита муҳташам овқатланиш зали, тунги бар, телефон орқали алоқа қилувчилар учун иккита зал акратилган. Бир мингдан ортиқ хурадага мўлжалланган ушбу мажмуада миллий, шарқ ва европача таомлар тайёрланади. Таом-хоналарга ўрнатилган жиҳозлар ҳам Ҳиндистон, Италия, Германия, Американдан келтирилган бўлиб, улар ҳар томонлама қўлай ва иҳтироми билан акралиб туради. Ҳозир Ҳиндистонлик мутахассислар уларни ўрнатиш ишлари билан машғулдирлар.

Меҳмонхонанинг яна бир ўзига хослиги шундаки, бу ерда барча хизмат турлари компьютер қурилмалари орқали бажарилади. Ҳатто энг замонавий усулда қурилган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси билан унинг орасида бир қанча тафовутлар бор. Ҳўш, улар нимагадир ноборат? Масалан, ҳар бир хона майдони «Ўзбекистон»нингдан тўрт-беш квадрат метрга ортиқ. Ҳўш, қурилмалар ҳам бутунлай ўзгача. Уларни жойлашда ҳам чет эл усулидан фойдаланилган. Стол тумбаларига махсус панел ўрнатилган бўлиб, у бошқарув пулти орқали хизмат кўрсатади. Худди шундай усул билан электрон соат, хонани ёритиш тизими, телевизорни ёқиб, ўчириш ҳамда меҳмонхона хизматчисини чақиртиш вазифаларида фойдаланиш мумкин.

Меҳмонхонанинг санитария техника жиҳозлари ҳам ўзига хос усулда жойлаштирилган. Бинонинг ертўла қисмида эса кир ювиш хонаси, омборхона, гараж, техника хизмати хоналари, совутиш системалари, электр станцияси ҳамда турли коммуникациялар ўрин олган.

Бинода сайқаллаш ишлари низоҳатга етганлиги билан биргаликда Сергей Вабешкин бошлиқ совутиш системаси мутахассислари, Юрий Фалькович бошчилигидаги нурсозлар, сув таъмири ва каналзация ишлари бўйича Фаина Қаймова бригадаси хизматчилари ўзига топширилган юмушларни муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Мўйқалам устаси Толиб Қосимов, ҳайкалташор Абдумалик Бухарбоев ҳам сўнгги ижодий ишларини поёнига етказишпти.

Бир томонда эса «Узвентурстрой»нинг бош директори Вадим Леонидович Порфирьев бошлиқ хизматчилар меҳмонхонани жиҳозлаш ишларини бажаришмоқда. Улар тайёр хоналарга лойиҳа бўйича мебель, гилам, шунингдек, зарурий буюмларни кириштириб, мутахассислар ёрдамида жойлаштиришмоқда. Қаватлардаги дам олиш хоналари, кутиш жойларига ёзилган гиламлар, турли нуска мебоилар ҳалқаро стандартларга тўла риоя қилинган ҳолда ўз ўрнини топтомоқда. Юқиниш хоналаридаги ванна ва душ эса махсус сантехника жиҳозлари билан таъминланган. Ҳатто ушбу хоналардан ўрин олган чўмилиш буюмлари ва косметика жиҳозлари ҳам лойиҳа бўйича ўз ўрнини топтомоқда.

Бинонинг оқиб ёғи айвонидан кичик барлар ҳозирда тўла жиҳозланган бўлиб, уларда ўтириб ҳордиқ қиларётган киши кўз ўнгига катта шаҳар манзараси яққол кўриниб туради.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

* Анъаналар—халқ мулки

«БОҒИ ЭРАМ»ДА БАЗМИ ЖАМШИД



«Боғи Эрам» одатдагидек ҳордиқ чиқарувчилар билан гавжумлашганда карнай-сурнай садолари янгради. Барчаннинг диққат-эътиборини боғнинг энг салқин жойидаги акиб давра тортди. Чор-атрофга қўйилган соябонлар остидаги столлар атрофида ёш йигит-қизлар гурунлашиб ўтиришарди. Табрик учун сўз Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўринбосари Илҳом Расуловга берилди.

— Кўриб турибсиз «Боғи Эрам» бугун ёшлар кетди, — деди у. — Бунинг боиси бу ерга туманимиздаги тайратли, билимдон йигит-қизлар таъриф буюришган. Бундан ташқари пойтахтимиздаги бир қанча ташкилотларнинг вакиллари, ҳурматли оқсоқолларимиз, шонур ёзувчилар азиз меҳмонимиз. Давра ташкил қилишдан қўзғалаган асосий мақсадимиз биргаликда ёшлар ўртасида юзага келган муаммолар юзасидан фикр алмашишдир. Туман ҳокимлиги кам даромадли киши оиланинг низоҳатини шу масканда ўтказишга қарор қилган. Биз оқшом қатнашчилари ҳамда мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларни таъриклиймиз.

Шундан сўнг даврага тумандаги «Юлдузча» болалар дастаси тақдиф қилинди. Даста аъзоларининг шўх рақсларига «Қамолот—91» танловининг совриндорлари Оролмирза Сафаров ҳамда Равшан Қомилжонларнинг дилрабо қўшиқлари улашиб кетди. Тошкент жисмоний тарбия институтининг бир гуруҳ акробатчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

— Бу аjoyиб гўша эмасми, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов. — Қадимда боболаримиз боғи эрам, боғи шамол, боғи беҳишт каби бир қанча боғларни яратганлар. Улуғ алломаларимиз руҳини шод этиб туманда Мирзо Улуғбек ҳайкали бўвд этилаётганидан жуда мамнун бўлдик. Бой меросимиз, маданият ёдгорлиқлар, тилимиз, маънавийятимизни кўз қорачиғидек асраб, янада бойитиш ёшларнинг қўлида.

— Одил ака жуда тўғри таъкидладилар, — деди Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шукрур Темуров. — Республикаимиз мустақилликка эга бўлди. Юртимизимиз Ислам Каримовнинг беқисс ғамхўрлиги туфайли ёшларга жуда катта имкониятлар яратилганлигини ҳис қилиб турибмиз. Қўллаб-йигит-қизлар хорийлиги юртларга ўқишга юборилди. Қисқа вақт ичида бир қанча ёшлар жамғармаси тузилди. Ёш авлоднинг ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳам ибратли ишларни амалга ошираётган. Шундай экан қўрсатилаётган ғамхўрликка ёшларимиз муносоиб жавоб беришлари зарур. Йигит-қизларимиз олдида битта асосий вазифа турибди: ахлоқий-одобий бўлиб, ота-онаси, маҳал-

ла-қўй олдида ўз бурчини оқлаш. Бунинг учун эса чуқур билим олиб, меҳнат қилишлари, маънавий қадриятларимизни эъзозлашлари лозим.

Тантанада шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёшлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, шеърларидан намуналар ўқиб берди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар комитетининг раиси Муборак Юнусхўжаева бўлажак оналар — қизларимиз олдида турган асосий вазифалар ҳақида гапирди. Тошкент жисмоний тарбия институт талабаси Қобилжон Ақромов эса ёшлар билан мана шундай аjoyиб учрашувни ташкил этган туман ҳокимлиги ва Ёшлар Иттифоқи комитетига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Кечада ўйин-қўлги анча вақтгача давом этди. Туман ҳокимлиги томонидан қорхона ва муассасаларда меҳнат қилиб, тенгдошларига ўрнақ кўрсатаётган бир гуруҳ ёшлар қимматбаҳо совғалар билан таъдирланди. Меҳмонлар боғдаги катта хонага тақдиф этилганда яна карнай-сурнай садолари янгради. Саҳнадаги йўлак бўйлаб қўдаларнинг «ёр-ёри» билан келинлар келишарди. Барча уларни қарсақлар билан қўтиб олиб, самийи қўлдошлар ёғдиришди. Қўвғи турлар ўз қалинқларига гуллар тақдим этиб, ичкарига бошладилар. Катта хонадаги ноз-неъматлар билан безатишган дастурхоналар меҳмонларга мунтазир эди. Турли рангдаги чироқлар даврага аjoyиб тароват бахш этган. Икки жуфт келин-куёвлар тўрлан жой олишга кечага янада фойз кирди. Туман ЗАГС бўлими томонидан Умида ва Баҳадиржон Раҳимов, Гулнора ва Илҳомжон Раззоқовларга шу жойининг ўзидан никоҳ қўзғолари топширилди. Ёшлар бир-бирига никоҳ узуклари тақдим этилди. Шундан сўнг тантанали маросим бошланди кетди.

Тўй шодийнасида янги барпо бўлаётган икки оилага Тошкент шаҳар хотин-қизлар комитети, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармасининг совғалари топширилди. Шунингдек, туман таъкидлаш зарури, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор бераётгани биргина шу маросимдан ҳам аққол сезилиб турибди. Ҳеч шубҳа йўқки бундай ғамхўрлик, ташкил этилган қўй шодийна ёшларнинг хотиридада узоқ вақт сақланиб қолади. Анъаналарни ҳаётга тадбиқ этиш учун бор имкониятларни ишга солаётган улугбекликлардан ўрнақ олса арайдик.

Саъдулла ШОДИЕВ.
СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар акс эттирилган.

Андрей Пищенко суратлари.



* Шаҳар бедарвоза эмас

НОН ОРАСИДАГИ... КУМУШ

ЧЕТ элга йўл олган ҳар бир фуқаро ва сайёҳ гуруҳлар божхона назоратидан ўтганда синчилаб текширилетгани ва айбдорлар қаттиқ жазога тортилетганига қарамай, айримлар ўзларининг контрабанда билан алоқадор ҳаракатларини амалга оширишда турли усуллардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, катта қимматга эга бўлган нарсаларни юк сумкаларининг тар чарми остига қўйиб, айримлар олиб кетиб, ўзлари билан олиб кетиб, юқоридан аёвдорларнинг турмакларидан орасига олтиридан ишлардан зарарлик буюмларини яшириш каби қиңирликлар шулардан бир шигинги, ҳолос.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳодимлари контрабанда жиноятининг антиқа усулини фош этдилар.

Тошкент халқаро аэропортидан Туркияга учётган Ўзбекистон фуқароси К. исмли аёл ҳаммаимиз учун азиз бўлган, ушунинг кўзи-мизга суратдиган нондан... контрабанда буюмларини яшириш ниятида фойдаланганда тўхтатилди.

Ҳуқуқбузар замонавий техникадан беҳабар шекилли, тўрт дона кумуш танталарининг орасига солиб ётган. Нон ёруғлик нурлари орқали ўтказилганда унинг орасидаги қора доғлар божхона ҳодимларидан шубҳа уйғотди. Улар ноннинг синдириб қўйилган бўлишидан алоқадор бўлганда эса буюм эгаси қаттиқ қаршилиқ ҳам кўрсатди.

Хуллас, узоқ тортишувлардан кейин нонлар синдирилганда уларнинг орасидан 4 дона кумуш танга: шулардан иккитаси Николай подшо сурати туширилган (19,8

ва 18,5 грамм), биттаси 1924 йилда зарб қилинган 1 сўм пул (19,8 грамм), яна биттаси эса шер тамғаси туширилган (8,6 грамм), бинобарин ҳаммасининг умумий оғирлиги 66,5 граммлик қимматбаҳо металл пуллар чинди.

Бу нарсаларнинг топиллиши ҳуқуқбузарга бўлган шубҳани янада кучайтирди. Божхона ҳодимлари унинг шахсий юкларини синчилаб текширишларида аёللар пардоз кутиси тағна яширилган 800 АҚШ доллари топилиди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунилари мажмуасининг 68-моддаси бўйича солидир ёлган контрабанда жинояти устидан ҳозир суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг матбуот маркази.

○ ТАҲРИРИЯТ муштарийлардан келган мактублар билан тирик. Мактубларда газета фаолиятига энг тўғри баҳо берилади, озу-истаклар баён этилади. Мактубларини ишмишга кўзгу десак тўғри бўлади.

Яқинда бир мусиқа шайхосидан келган мактуб бизни ўйлантириб қўйди. Муштарий ёзди: «Мақом, классик ўзбек қўшиқчилиги ҳақида гап кетганда Мулла Тўйчи Ҳофиз, Домла Халим Ибодов, Юнус Ражабий, Ориф Алимаҳсумов, Ҳасан Ражабийларни тилга оламиз. Бу устозлар билан ҳақиқат суратда фохр этамиз. Лекин ижрочи ёшлар-чи? Улар ҳақида ҳам ҳикоя қилинса эди. Уша устозларнинг табаррук ишнини давом эттираётган ёшлар ҳам кўп бўлса керак деб ўйлаймиз. Мақомларнинг давомийлиги, уяри боқийлиги ҳақида ҳам газета саҳифаларида сўз юритсанлар».

Раҳматжон Нуриллаевнинг ушбу мактуби, назаримда қўлларнинг дил сўзларидек туюлди. Мақомчилигимиз, беназир асрий қўшиқларимизнинг, чиндан ҳам ёш ижрочилари ҳақида бирор материал беришмабди. Ваҳоланки бундай истеъдодлар жуда кўп: Ҳуррият Исроилова, Маҳмуд Тожибоев, Муножот Йўлчиева, Эркин Рўзиматов... Рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Хонанда Машрабжон Рўзиматов ҳам улар орасида ўзига хос ижро услуби билан ажралиб туради.

Ўтирмади. Ҳужжатларини топширди...

...Энди сабоқлар ҳам жиддий эди. Энди бир дақиқа бўлса ҳам вақтни бой бермасди. Сабаби ўрганганини, машқ қилганини ўзингизга ўтказиб, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимаҳсумов ҳам бир нарсани кўп тақрирларди:

— Аввало киши ўз мақсади йўлида интилас соз бўлур. Ҳаракат сиздан — баракат биздан. Сизларда иштиёқ бўлмаса, бизнинг жон қўйдирангиз бефойда.

Уч йил давомида Ориф Алимаҳсумов овоз, мақом, ижрочилик услублари хусусида, репертуар хусусида дарс берди. Сўнг Ўзбекистон халқ ҳофиза Фаттоҳон Мамадалиев мумтоз қўшиқчилар сабоқларини давом эттирди.

Айнан консерваторияда сабоқ олиб юришган йилларида Ҳуррият Исроилова, Муножот Йўлчиева, Эркин Рўзиматов, Маҳмуд Тожибоев, Машрабжон Эрматовнинг ижод юлдузлари чарақлай бошлади. Улар ижро этган қўшиқларини давраларда интиқик билан тинглашарди...

...Она барибир онада... Катта шаҳарда яшайётган фарзандининг турмуш-турмуш уни тинч қўймади. Бунинг устига кексалди.

— Кел, ўғлим, ўқиб бўлган бўлсанг, Қўқонга қайт, энимда бўл, — чорлади она. — Мен ҳам қариб қолдим. Энимда бўл.

Машрабжон Қўқонга қайтди. Туман маданият уйда ташкил этилган, Мухтор Муртазоев асос солган «Сарвигул» дастасида мусиқа раҳбари бўлиб ишлаб бошлади. Уч йил давомида ўрганганларини, билганларини санъат ишчибозларига сидқидилдан ўргатди.

Ўғлининг барибир сиқилиб юрганини кўриб она бир кун уни ёнига қақирди.

— Энди ўғлингнинг бўлди, деб ўйловдим, — деди у. — Чамаси сен ўша Тошкентда, ижод қайнаб турган жойда бўлишинг керакка ўхшайди. Дадангнинг арвоҳи ранжисини, Борақол, болам, йўлинг санъатда экан, бахтинг санъатда экан, мен нима дейман. — Кейин она ўғлидан туриб, уйга кириб кетди. Ҳаёт ўғлини қинди. Қўқондаги гижжакни ўғлига тутқазди. — Бунинг сира ҳам қўлингдан қўйма. Сен қанча кўп чалсанг отангнинг руҳи шунча шод бўлади.

Машрабжон онасини бағрига босди.

...Йиллар ўтди. Ҳозир Машрабжон Эрматов ўзи таълим олган даргоҳда, Тошкент Давлат консерваториясида устоз. Кеча сабоқ олган эди, бугун сабоқ беради.

— Тор, дутор, танбур чалиш қийин эмасми? — сўраймиз Машрабжондан.

— Бир-биридан фарқ қилади, албатта. Лекин мен гижжак чаламан деб юра-бериш асл санъаткор бўламан деган одамнинг иши эмас, — деди Машрабжон, — барча чолгу асосида бирдек чала билиш керак.

— Хонанда сифатида сизни элга танитган қўшиқлар қайсылари эди?

— «Насри уззол», «Талқини уззол», «Қўқон ушшоғи», «Содирхон ушшоғи», «Чанандон туглур» — улар жуда кўп. Яхши, қойил қилиб ижро этсангиз эл ҳурматиға сазовор қилади. Ахир уларнинг не-не мумтоз санъаткорлар ижро эттишмаган. Бу қўшиқлар улардан мерос. Меросини эса кўз қорачиғидек асраш, ижро этиш зарур.

— Оилангиздан яна бир қўшиқчи чиқса нима дердингиз?

— Уч ўғлим бор. Санъатга бўлган ҳурматини туфайли катта ўғлимнинг исмини Санъатқон қўйганман. Ким билди Ўзбеким, Элдорми ҳозир қўқонда нола қилиб турган гижжакни мерос қилиб олар экан. Ниятларим — хондонликда дадам раҳматлигининг гижжакни мўлоқ созида турса, овози жаранглаб турса...

○ ...Сухандон эълон қилади:

— «Талқини уззол», Ижро этиди республика мақом ижрочилари таявдон совриндори Машрабжон Эрматов.

Машрабжон Эрматов, қўйлаверинг. Мумтоз қўшиқларини юракларга юрт муҳаббат, фарзанд садоқати, меҳр-муруват туйғуларини жо айлаб, янграйверинг!

Темур УБАЙДУЛЛО.

* Сиз кутган учрашув

СОЗИ ТУННИ АЛЛАЛАР...



Эргашали ака юз-қўзини ювди. Дастурхонга келиб чўқди. Бахринисо ая дарҳол дастурхон тузаб, чой-пой келтирди.

— Кун кеч бўляпти, аяси, болалар қани? — сўради Эргашали ака чой ҳўллаб.

— Ҳали замон келиб қолади. — Жавоб қилди Бахринисо ая ўчоқбошидан, — Машрабжоннинг шу ерда эди.

Сал фурсат ўтмаёқ оила дастурхон атрофида жам бўлди. Эргашали ака фарзандларига қараб кўнгли тоғдек қўтарилиди. «Фронти»ларда шунча қон тўкиб, қон ютганларим бекиз кетмади, — кўнглидан кечирди у, — худого шукр, барчаси эсли-хўшли. Аммо қайси бири қўлимдан созимни олар экан».

Эргашали ака, дастурхонга фотҳа ўқилгач, уйга кириб. Гижжакни қўлига олиб тобини қўрди.

— Эҳ, — ўзига ўзи шивирлади, — шу кўлга ўқ тегадими танбурини сайратиб юрган бўлардим. Ҳай, майли, шунингга ҳам шукр. Икки бармоғим бўлса ҳам гижжак тутишга яраб турибдими».

У камонни гижжакка теккизди. Симлар оҳиста нола кечди. Дам сайин нола бандлаб, авж пардага чиқди. Ҳўлини сеҳрли садолар тўтди.

Айвонда ётган кенкатой Машрабжон туриб ўтириб олди. Назарида оҳанглар ҳовлига ситмай қайнаб-тошиб Қўқоннинг Саймозор маҳалласини тўлдириб юбораётгандай эди. Оҳангларга қўшилиб дадаси Эргашали аканинг ширали, ўктам овози ҳам парвоз этарди.

— Ёғмайсамми? — уйдан аясининг овози келди, — эрта метан туролмай, ишчилансан.

— Ҳозир, ойякюн. — Машрабжон ўрнига кириб олди — мана ётдим.

Оҳанг ва овоз ҳовлида парвоз қилиб, туни алдлар эди. Эргашали ака қўлиқ билан бирга озу-армоқларини ҳам айтаётгандай эди.

Машрабжон дадаси ишга кетган пайтларда, гижжакни қўлга олган, унга мароқ билан тикилар, ҳатто симларга камонни теккизиб ҳам қўярди. Бир кунга завқ билан ўзича чалиб турганда, эшикда пайдо бўлган отасини сезмай қолди.

— Ҳа, ёқадими сизга гижжак?

Машрабжон отасига қўзи тушиб, қўп-қизариб кетди.

— Чалгингиз келаяптими?

— Машрабжон бош иргиди.

— Ундай бўлса, қани сиз билан машғул ўтказамиз.

Умуман санъатга бўлган муҳаббатингиз менга маъқул, ўғлим.

Машрабжон шу тариқа отасидан илк мусиқий сабоқни ола бошлади...

...1977 йилда Машрабж

